



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 13 февраль, № 31 (6466)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**2016 йил 5 МАРТ  
ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ  
2016 йил 7 МАРТ ДУШАНБА  
КУНИГА КЎЧИРИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 5 март шанба дам олиш куни 2016 йил 7 март душанба кунига кўчирилсин;

2016 йил 5 март шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 12 февраль

## «Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланиши мумкин»

Германия пойтахтида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қадоклаш, ташиш ҳамда уларни экспорт ва импорт қилиш соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар намойиш этиладиган “Fruit Logistica” аънавий халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

### ЭЪТИРОФ



Мазкур тадбирда дунёнинг 85 мамлакатидан қарийб 3 мингта компания қатнашди. Шу жумладан, юртимиздан жаҳон бозорларига сархил, қайта ишланган мева-сабзавотлар етказиб беришга ихтисослаштирилган “Ўзтадбиркорэкспорт” АЖ, “Turon Agro Fresh LLC”, “Spectrum ITG”, “Mega Nuts LLC”, “Kishmish Savdo LLC” каби корхоналар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди. Ярмарка мутахассислари ҳамда меҳмонлари республикамизнинг иқтисодий салоҳияти, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улкан имкониятларини ўзида акс эттирган Ўзбекистон экспозициясига катта қизиқиш билдирдилар.

Масалан, **Швециянинг “Butikskonsult” компанияси вакили Фредрик Янсон** “Жаҳон” ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида ўз таассуротларини ўртоқлашди.

— Ўзбекистоннинг ушбу йирик кўргазмадаги фаолияти хорижий компанияларга, хусусан, бизга ҳам Европа бозорига тақлиф этилаётган маҳсулотларингиз билан бевосита танишиш имкониятини яратди, — деди у. — “Butikskonsult” Швециядаги етакчи логистика компанияларидан бири ҳисобланади. У Скандинавияда мева-сабзавотларнинг савдоси билан шуғулланадиган кенг қамровли дистрибьютор-

лик тармоғига эга. Биз экологик тоза маҳсулотларни етказиб беришга устувор аҳамият қаратамиз. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон истиқболли амалий ҳамкоримиз бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, **Голландиянинг “Green Hart” компанияси вакили Петер ван ден Брек** ҳам “Fruit Logistica” халқаро кўргазмаси озиқ-овқат саноати маҳсулотларини импорт ва экспорт қилиш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш учун яхши майдон эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон экспозицияси мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида бой тажриба, улкан имкониятга эга эканлигининг яққол исботи бўлди, — деди у. — Республикангизнинг сифатли нознеъматларига бизда қизиқиш катта. Мухим жиҳати, юртингизнинг қулай табиий-иқлим шароити ноёб таъм ҳамда сифатга эга бўлган турли-туман мева ва сабзавотларни етиштириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқаро андозаларга тўла мос келади. Шуларни ҳисобга олиб айтганда, яқин йиллар ичида давлатингиз экологик тоза ва юқори сифатли озиқ-овқат товарларининг экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланиши мумкин.

**«Жаҳон» АА.**  
Берлин

## 2016 йил — соғлом она ва бола йили

# СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг таклифи билан  
2016 йил мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинди.

“Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш дега-нидир”. Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 2 май куни Ўзбекистоннинг биринчи давлат мукофоти — “Соғлом авлод учун” орденини топшириш маросимида айтган ушбу теран маъноли сўзлари оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда асосий йўналишни белгилаб берди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб гоёни жамиятимизда теран англаш ҳамда қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш Давлат дастурида белгиланган муҳим йўналишлардан биридир.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошланди. Жиноят кодекси-га фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишдан қатъи назар) нисбатан жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланил-майдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мурувват уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга қундузи қараш марказлари (гурухлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

2016 йилда чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектилари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

Ўзбекистоннинг олис қишлоқларида 194 маиший хизмат кўрсатиш намунавий комплексини ташкил этиш дастурини тасдиқлаш, уларнинг таркибига “Гўзаллик салонлари”, модалар ательеси, маиший электр техникаси, пойабзал таъмирлаш хизматлари кўрсатиш шохбачаларини киритиш, ушбу мақсадлар учун банк кредитлари ҳамда ер участкалари ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш мўлжалланмоқда. Олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларида яшаётган кам таъминланган оилалар бекаларига маиший электр техникаларини бепул тақдим этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳиммага муҳтож аҳолига катталар ва болалар қийимлари берилди.

Давлат дастурида мамлакатимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 296,3 километрик электр ва 307,5 километр газ таъминоти тармоқларини қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортик, жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 300,5 километрик ичимлик суви тармоғини барпо қилиш ҳисобидан аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом эттирилади.

Жорий йилда тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борада 280 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш ва йилда 1500 операция ўтказишга мўлжалланган ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 4-даражали болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, оналар ва болаларга

юқори технологияли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, қақалоқлик давридан 18 ёшга тўлгунига қадар болаларга кардиожаррохлик, нейрофаррохлик, урология, нефрология, онкология ва бошқа ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш имконини беради.

Қишлоқ жойларда замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланган ҳолда биринчи тиббий-санитария ёрдами, ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ногиронлиги кўрсаткичларини камайтириш мақсадида уч вилоятдаги (Самарқанд, Гулистон, Урганч шаҳарлари) болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, 38 туман тиббиёт бирлашмасининг бўлимлари ва туғруқ мажмуаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, 11 оилавий поликлиника ҳамда 244 қишлоқ врачлик пунктини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳосига етказилади. Бундан ташқари, Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация марказининг 100 ўринга мўлжалланган даволаш-ташхис қўйиш корпусини қуриш ва жиҳозлаш, Хоразм вилоятидаги болалар силга қарши санаторийсини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



## СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД, СОҒЛОМ КЕЛАЖАК



### ҒАМХЎРЛИК

Халқимиз азал-азалдан фарзандларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини олий мақсад, деб билади. Мамлакатимиз истиқболга эриш-гач, ана шу эзгу ният том маънода ижобатини топди. Зеро, Президентимизнинг “Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш — келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир”, дея айтган фикри дастуриламалга айланиб, шу асосда ҳаётга татбиқ этилаётган изчил саъй-ҳаракатлар юксак самараларини кўрсатмоқда. Айни пайтда йилларга муайян ном берилиши муносабати билан қабул қилинаётган давлат дастурида ҳам эртаими эгаларининг



манфаатлари алоҳида эътиборга олинаёттир. Жорий йилнинг юрти-мида “Соғлом она ва бола йили” деб номлангани бунинг яққол тасдиғидир.

Маълумки, боланинг баркамол бўлиб шаклланишида спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис рес-

публикамизда таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш жараёнида унинг узвий қисми сифатида болалар спортининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, умумтаълим мактабларида замонавий спорт комплекслари тармоғини барпо қилиш, уларни бугун-

ги кун талабларига мос ускуна ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш, шунингдек, ана шу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар бажарилаяпти.

(Давоми 2-бетда).



### Қисқа

## сатрларда

• Ўзбекистон faxрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий кенгашининг кенгайтирилган ййилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу жамоат ташкилотининг 2015 йилги фаолияти атрофида сарҳисоб этилиб, Соғлом она ва бола йиллидаги режалари белгилаб олинди.

• Самарқандда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ййгилиш ўтказилди.

• Сидарё вилоятининг Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари оиласига янги уйлارнинг қатиллари топширилди.

• Андижонда ташкил этилган “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!” шiori остидаги маънавий-маърифий тадбирда вилоят, мамлакат ҳамда халқаро миқёсдаги турли танлов ва мусобақаларда голиб бўлган ёшлар диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

2015 йилда республикамиз бўйича

**42** минг **800** та

тадбиркорлик субъекти интернет тармоғи орқали  
Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатга олинди.

Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларига кўпроқ эркинлик бериш, тўсиқ ҳамда ғовларни бартараф этиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилгани, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг бевосита электрон шакллари жорий қилингани самарасидир.



# СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хотин-қизларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш мақсадида комплекс тиббий хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрида 4-даражали Аёллар саломатлик марказини ташкил этиш лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу марказ энг илгор таххис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, унинг қошида замонавий маслаҳат поликлиникаси ҳамда операция блоки ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, жумладан, Республика перинатал маркази, вилоят перинатал марказлари, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари, 13 та вилоят болалар кўп тармоқли марказлари, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек, уларнинг болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари моддий-техника базаси яхшиланади. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Ушбу жараёнда 2016 — 2018 йилларда марказнинг қўшимча 11 худудий филиали, Алоҳида эхтиёжли болаларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилади.

Ҳомиладор аёллар ҳамда чақалоқларни перинатал ва неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда тугма ҳамда ирсий касалликларни эрта аниқлаш, ҳомиладор аёлларни бирламчи соғлиқни сақлаш тизими бўғинида оммавий перина-

тал ультратовушли скринингдан ўтказиш, 13 та скрининг марказини кўп функцияли замонавий рақамли ультратовуш тизими билан жиҳозлаш Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради. Буларнинг барчаси болаларнинг тугма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини беради.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тулиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари масъулиятини янада кучайтириш, шу асосда тугма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни замонавий таххис қўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, аҳоли ўртасида мустақам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишининг муҳимлигини тушунтириш мақсадида кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёллар соғлиғини сақлаш ҳамда психофизиологик аҳолини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парваришлашни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рацони сифати ва калориясини бойитиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Тўғри овқатланиш ва диетология соҳасида ягона илмий ҳамда амалий сиёсатни замонавий халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Республика диетология илмий-

амалий марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этиш, янги спорт объеклари қуриш ва мавжудларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуна ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббийлар билан таъминлаш “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардир.

Бу борада умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1,7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил қилиш хисобга олинган ҳолда, 217 зал барпо этиш, ҳар бир туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган камид биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (225 та), хусусан, 2016 йилда 15 шундай мактаб қуриш режалаштирилмоқда. Шунингдек, вилоят марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, чунончи, жорий йилда 5 мактаб фаолияти йўлга қўйилади, сузиш ҳавзалари тармоғини яна шундай кенгайтириш ҳисобидан 11 сув ҳавзаси қурилади, уларнинг умумий сони 290 тага етказилади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, маданият ва истироҳат боғларига экскурсия уюштириш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва иқтидорли болалар учун “Биз — мустақиллик фарзандларимиз” шиори остида тарихий шахар-

ларимизга саёҳатлар ташкил қилиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириш, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихи, маданияти ва меъморий ёдгорликлари бўйича билимини бойитишга ёрдам беради.

Бўлажак оналар — қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-хунарга эга бўлишини таъминлашга қаратилган, қизларда мустақам ҳаётий позицияни шакллантириш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилади. Бу уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши, соғлом ва мустақам оила барпо этишига хизмат қилади.

Ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишининг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ўқув курслари, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида айрим коллежлар базасида “Бизнес-клублар” ташкил этилади. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун “Менинг бизнес ғоям” ва “Ёш тадбиркор — мамлакат таянчи” мавзуларида худудий ҳамда республика танловларини ўтказиш, ёш оилалар, тадбиркор аёлларга, жумладан, коллежни битираётган қизларга кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёшлар, айниқса, қизларнинг истеъдоди ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги Ёшлар марказларини,

Тошкент вилоятидаги “Камолот” ёшлар оромгоҳи ва ёш оилалар учун дам олиш маскани, Тошкент шаҳридаги “Камолот” ёшлар боғини реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илгор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси белгиланган.

Бу борада 286 мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ўйин майдонлари ташкил этиш, айниқса, вилоят марказлари ва шаҳарлардаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга қаратилган шароитларни янада такомиллаштириш режалаштирилмоқда. 2016 йилда 28 янги умумтаълим мактаби қуриш, 234 мактабни реконструкция қилиш ва 105 тасини капитал таъмирлаш, уларни янги ўқув мебели, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш ишлари бошланади. 1,6 мингдан зиёд мактаб компьютерлар, жумладан, интерфаол электрон доскалар билан жиҳозланади. 13 академик лицей ва 107 касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, уларни зарур ишлаб чиқариш ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурида касб-хунар коллежлари битирувчилари, аввало, қизларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар,

ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

2015/2016 ўқув йилида касб-хунар коллежларининг битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, шунингдек, таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли худуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Имконияти чекланган, кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Давлат дастурига дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлиқни янада кучайтириш, бу ишларга жамиятда хурмат ва обрў қозонган кекса авлод вакиллари кенг жалб этиш масаласи ҳам киритилган.

Мухтасар айтганда, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилади. Бу борадаги ишлар ва янги ташаббусларни амалга оширишни изчил давом эттириш, шубҳасиз, мамлакатимизда шаклланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

ЎЗА.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасыни тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасы фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Президентимиз раислигида 11 февраль куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасы Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ўтган давр мобайнида мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқ ва натижалар ҳақида атрофлича фикр юритилиб, истиқболдаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Фарзандларимиз, ёш авлодимизни болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашнинг мазкур Жамғарманинг асосий вазифаси сифатида тасдиқлаб олганимиз ҳаммамизга яхши маълум. Фарзандларимизни болалиқдан — асосан мактаб ёшидан бошлаб спортни ўзининг ҳаётдаги доимий ҳамроҳи деб билиши, улар умрбод спорт билан дўст бўлиб қолишини, бунинг учун барча шароит ва имкониятларни барпо этишни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эдик”, деди Ўртбошимиз.

Дарҳақиқат, бундай оқилона сиёсатнинг амалий натижалари ҳар биримизда чексиз фахр ва ифтихор ҳиссини уйғотади. Мана бу рақамларга аҳамият беринг-а: 2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шугулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этди. Ўз навбатида, улар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоиз, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайдигани бу борада катта ўсиш ва ўзгаришга эришилганини ифодалайди.

Спорт машғулотларида мунтазам қатнашаётган ёшларимиз республика миқёсидаги беллашувларда тажриба орт-

## СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД, СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

тиргач, халқаро мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон номини улуғлашга муносиб ҳисса қўйишаяпти. Биргина ўтган йили 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қиз 165 та халқаро мусобақада 983 та медални қўлга киритгани бунинг тасдиғидир.

— Ўртбошимиз ҳар бир чиқишларида болаларимизга муносиб шарт-шароит яратиш, ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари учун куч ва маблағни аямаслик лозимлигини таъкидлайдилар, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасы Самарқанд вилояти филиали директори Ҳамидулла Самандаров. — Ана шундан келиб чиқиб, изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти. Вилоятимиз мисолида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, ўтган даврда худудда 187 та спорт иншооти ҳамда 27 та болалар мусика ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Фақатгина 2015 йилнинг ўзида шу каби бунёдкорлик ишлари учун 41,6 миллиард сўм ажратилди. Бугунги кунда таълим муассасаларида тахсил олаётган 543,7 минг нафарга

Мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда маҳоратини намойиш қилаётганлар орасида самарқандлик ёшлар кўпчилиқни ташкил қилади. Хусусан, 2015 йилда вилоят ёшлари жаҳон ва қитъа биринчиликлари, халқаро турнирлардан 25 та олтин, 13 та кумуш ва 17 та бронза медаль билан қайтишди. Чунончи, Тайлоқ туманилик Хусниддин Ҳасанов 2015 йил июнь ойида Хитойда ўтказилган академик эшак эшиш бўйича Осиё чемпионати ғолиби бўлди. Оқдарёлик Акмал Акрамов эса Латвияда 2015 йил ёзида ташкил этил-



Ҳасан ПАЙДОЕВ, Шомурот ШАРАПОВ ва Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

яқин ўқувчилардан 57,8 фоизи спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Соғлом, кучли, мард ҳамда қатъиятли бўлиб камолга етаяпти. Иродаси мустаҳкамланиб, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

ган юнон-рум кураши бўйича халқаро турнирда биринчи ўрин соҳибига айланди. Босния ва Герцеговина мезбонлик қилган дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида Пастдарғом туманилик



Мирзо Улугбек туманидаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Комилжон Ҳайдаров. — Хусусан, муассасамизда бадий гимнастика, футбол, эркин кураш, велоспорт, стол тенниси, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Уларга етти юзга яқин баркамол авлод вакили қамраб олинган бўлиб, қарийб икки юз эллик нафари қиз болалардир. Машғулотларга малакали мураббийлар жалб қилинган. Натижада ўтган йили шогирдларимиздан саккиз нафари республика чемпионатларида ғолибликка эришди. Велотрекилардан Улугбек Саидов, Алишер Ваҳобов, полволаримиздан Шерзод Маҳмадалиев, бадий гимнастикачиларимиздан Феруза Раҳматуллаева, Нозима Абдуфаттоева қабилардан умидсиз катта. Президентимиз “Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш, бу борадаги мавжуд моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини жаҳон стандартлари асосида янада мустаҳкамлаш, энг муҳими, спортга меҳр ҳар бир бола, ҳар қайси оила ҳаётига чуқур кириб боришига эришиш энг муҳим, доимий вазифамиз бўлиб қолади”, деган фикрлари келгуси фаолиятимиз учун устувор дастуриламалдир.

Диёра Келдиёрова, Латвияда самбо бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги дунё чемпио-натида Жаҳоний Туркманова сингари қизларимиз муваф-фиқият қозонди. Уларнинг шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилди. Музаф-фар спортчиларимиз сафида қизларнинг ҳам кўпчилиги диққатга сазовордир. Зотан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасы Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида қиз болаларни оммавий спортга жалб қилиш борасида муайян ютуқларга эришган худудлар қаторида Самарқанд вилоятини ҳам алоҳида эътироф этганликлари барчамизни қувонтирди. Бу зиммамизга янада улкан масъулият оқлайди.

— Ўртимизда спортга қаратилаётган бекиёс эътибор кўпала ҳудудларимиз қатори пойтахтимизда ҳам ўз самараларини бераёпти, — дейди

**Мамодиёр ЗИЁДИНОВ, Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

### ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўртимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, уни таркибий жиҳатдан янгилаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилиб, улкан ютуқ ҳамда муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бу Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ҳам алоҳида эътироф этилди.

## Инвестициялар — барқарор ривожланиш омили

Таъкидланганидек, ўтган йили мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ҳамда имкорлиги туфайли 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди.

Шу билан бирга, мева-сабзавотчилик, богдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқларда ҳам жадал ривожланиш суръатлари қузатилди. Буларнинг барчаси соҳада кенг қўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинаётгани, шу жумладан, жалб этилаётган инвестициялар аниқ мақсадга йўналтирилаётгани самараси, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан “Аграр соҳада хорижий инвестициялар — барқарор ривожланиш омили” мавзуида ташкил қилинган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди. Айтиб ўтилганидек, ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштиришда Президентимизнинг Инвестиция дастурига доир қарорлари муҳим пойдевор бўлаётди. Чунки айнан ушбу ҳужжатлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли аграр тармоқдаги инфратузилма объектларини модернизациялаш, сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро мо



## 260R/62/65

Хизматлар лицензияланган.



**Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсолидир.**

**Ислом КАРИМОВ.**



## Юрт таърифи

“...Рубъи маскунда Самарқандча латиф шахр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур... Шаҳри Самарқанд-дур, вилоятини Мовароуннахр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва галаба ила мунга даст топмагон учун “балдаи маҳфуза” дерлар. Самарқанд амрул муъминин Усмон замониди муслмон бўлгондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда боргондир. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур. Ҳоло Мазори Шоҳга машхурдир. Самарқандни Искандар бино қилгондур. Мўғул ва турк улуси Семизканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон

эмастур. Кўргонини фасилнинг устидин, буюрдумким, кадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти...

...Яна Кеш вилоятдур, Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Итмак доbonи дерлар. Сангтарошлик қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳр-сабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун шаҳр ва пойтахт қилурга қўп саъй ва эҳтимомлар қилди. Олий иморатлар Кешта бино қилди...”

«Бобурнома»дан.

Заҳириддин Муҳаммаднинг ўз оиласига, яқинларига бўлган муносабатидаёқ одабийликнинг олий намунасини кўрамиз. У “Бобурнома”да отаси Умаршайх Мирзони ҳиммати баланд ва адолатли, эътиқодли ҳамда саховатпеша шахс, шижоатли ва кўркмас саркарда, хушхулқ, хушмуомала киши сифатида тавсифлайди.

Тақдир тақозоси боис 12 ёшида отасидан жудо бўлган Бобур зиммасига давлат бошқарувидан ташқари, оила аъзоларининг ҳаёти учун масъуллик ҳам тушди. У бутун ҳаёти давомида ана шу мажбуриятни жуда теран ҳис этди. Унинг “дилбар шахс” (Жавоҳарлаъл Неру таърифи) эканлиги катта микёс-

# «Юз туман обрўю иззат кўр»

ажратиб ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон мирзолар учун маснавий йўлида шариат аҳкомлари содда баён этилган “Мубаййин” асарини яратди. Фарзандларини “жигарим бирла жонимга пайванд” дея ардоқлаган Бобур Мирзо шу асарида сўз ўйини воситасида:

**Давлату бахт била ҳумоюн бўл.**

\*\*\*

**Комрон бўл жаҳонда, давлат кўр,  
Юз туман обрўю иззат кўр,**

— дея жуда самимий, дилининг туб-тубидан чиққан тилакларини изҳор этади. Мутахассислар фикрига кўра, Хожа Убайдуллоҳнинг “Волидия” рисоласи

ҳам форсий тилдан Бобур томонидан фарзандларига дастуриламал сифатида ўзбек тилига ўғирилган. У ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон мирзоларга мактублар битиб, ҳам салтанат ишларига оид маслаҳатларини, ҳам чин инсон бўлишнинг асл меъёрларини баён қилади.

Бир гал Бадахшонни бошқариб турган Ҳумоюн бир йил мобайнида ота-онасини кўрмай, уларни қаттиқ соғинганидан вилоятини ташлаб,

Кобулга келади. Бобур ноҳус воқеалардан ташвишга тушса ҳам, дийдор қувончи боис ҳамма нарсани унутди. “Бобурнома”да ўқиймиз: “...ўшул соатким, биз анинг онаси билан отини тутиб, сўзлашиб ўлтуруб эдикким, ета-ўқ келди. Кўнгиллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чирокдек ёруди”.

Бобур қизларига ҳам оталиқнинг бепоян ичкин муҳаббати билан қараб, ҳамиша уларнинг тақдирини учун қайғурган. Гулбадан-бегим отаси билан Аградаги учрашувини шундай хотирлайди: “...Ҳазрат бобом олдиларига бориб кўришиб, оёқларига ўзимни ташладим. Ҳазрат кўп ҳолу ахвол сўрадилар. Бир неча вақт тиззаларига олиб ўтирдилар, шу вақт-

да ўзимни шундай бахтли ҳис қилдимки, уни тасвир қилиб бўлмайди”.

Бобур Мирзoning оила-парварлиги Ҳумоюнга ўз жонини садқа қилиши воқеаси билан ҳадди аъло-сига кўтарилди. Фидойилик ва меҳр-муҳаббат афсонасига айланиб кетган бу кечмиш хануз диллар-

## ДУРДОНА

Ўзбек халқининг тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олган мард ва жасур ўғлонларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У ҳақда дунё ахли жуда “кўп ва хўб ёзган”. Жумладан, таниқли урду адаби Қамар Райис ўзининг “Бобур шахсияти ва шеърляти” номли асарида шундай дейди: “Табиат бу тоғли Фарғона водийсига мислсиз ҳусн ато этган, Бобур унинг шайдоси бўлган. Табиатнинг мана шу сўлим гўшасида Бобурнинг шоирона тафаккури куртак очган. Унинг боғлари, чинорлари, шакардан ширин меваларини таъриф қилишдан бир сония ҳам чарчамаган...”

Бобурнинг буюклиги ва халқимизга суюклиги нимада? Гап шундаки, у ҳам бошқалар қатори оддий инсон бўлган, лекин тақдир синовларига тан бериб, кўл қовуштириб ўтирмаган. Юксак даражадаги ақл-идроки, тафаккури, сабр-тоқати, матонати билан машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтиб, Ҳинд ерида Бобурийлар салтанатига асос солди. Гарчи, тақдир Бобурни ўз юртидан олисларга олиб кетган бўлса-да, у ҳамиша Ватанини соғиниб яшади.

# ВАТАН СОҒИНЧИ

Унинг ижоди юртпарварлик, халқпарварлик, бунёдкорлик, яратувчанлик гоёлари билан сугорилган. Бугунги шиддатли, таҳликали замонда жaxon ахлига ўрнак бўлгудек фазилатлар Бобурнинг феъл-атворида жамулжам эди. Умрининг асосий қисми жанг майдонларида ўтганга қарамайдан, “Девон” тартиб берди, “Ҳарб иши”, “Муфассал”, “Мубаййин”, “Муסיқа илми” каби асарлар ёзди, “Хатти Бобурий”ни кашф қилди. Бобур рубоийларнинг бирида шундай деб ёзади:

**Кўндин бериким, ёру диёрим йўқтур,  
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.  
Келдим бу сори ўз ихтиёрим билра,  
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.**

Бу каби Ватан, она диёр соғинчи, ушалмас орзу-армонлар шоирнинг “Гурбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни кўй, Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг”, “Дема Бобурга нетарсен, бош олиб кетмак не? Тенгнинг хости мундоқ эса, мен нетаймен?”, “Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату кам кўрган, Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму?!” кўринишидаги сатрларида аққол намоён бўлади.

кўп дуч келамиз. Масалан, “Одинапур кўргонининг олида, жанубий тарафиди, бир баландида тарихи тўққиз юз ўн тўртта бир чаҳорбоғ солдим”, “Исталифча кент маъълум эмаским хейли ерларда бўлғай. Улуг руд кентнинг ичидин оқар... Бу кентта Боги Калон отлиг Улуғбек мирзонинг бир мағсул боги бор эди. Мен эгаларига баҳо бериб олдим... Боғнинг ўртасидин бир тегирмон суйи ҳамиша жорийдур.

Бу ариқ ёқасида чинорлар ва дарахтлардур, бурун бу ариқ эгри-букри ва бесиёқ эди. Мен буюрдимким, бу ариқни ража ва сиёқ била қилдилар. Бисёр яхши ер бўлди”, дея ўзининг бунёдкорлик борасидаги ишларини таъкидлайди.

Бобурнинг яратувчанлиги унинг Фарғонадан мевали дарахт қўчатларини афғон, Ҳинд ерларига олиб бориб эктиришида ҳам кўринади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: “Кобул ва кентларида сардсери мевалардин узум ва анор ва ўрук ва олма ва биҳи ва амруд ва шафтолу ва олу ва санжид ва бодом ва янғоқ кўптур. Мен олу-болу нихоли кетуриб эктурубмен, яхши олу-болулар бўлди ва хануз тараққийда эди”. Бундай ҳолат илм-фанда “иқлимлаштириш”, деб аталади.

Умуман олганда, биз — бугунги авлод Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан ҳар томонлама ўрнак олсак арзийдиган жихатлар бисёр. Зеро, унинг тийнатидаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, кенг мулоҳазалилик, мардлик ва жасурлик ҳақиқий ибрат мактабидир.

**Абдулхай СОБИРОВ,**  
филология фанлари доктори.

Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур,  
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур.  
Не навъ битай фироку гурбат шарҳин —  
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,  
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.  
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азизи,  
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.  
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,  
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.



## ЭЪТИРОФ

*Бобур ~ дилбар шахс...  
Унинг даврнинг тилик  
хўшқоғи, мард ва тадбир-  
кор одам бўлган.*

**Жавоҳарлаъл Неру**

*Бобур боширлигининг  
ёки бўлмаган: унинг бу-  
тун заъми ҳасолат наму-  
налари билан шўлиб-тоғлиб  
ётибди.*

**Николай Веселовский**

*Бобур феъл-сатмисига  
кўра Ўзларга қараганда се-  
винга афғонликдир.*

**Эдуард Холден**

лардаги фаолиятдан тортиб онасига, аҳли аёлига бўлган ғамхўрлиги ва ҳурматига, фарзандларига берган тарбиясигача намоён бўлади. Сарсон-саргардон, хавф ва мусибатга тўла кунларида у ёмғир ўтмайдиган ягона чодирини онасига бериб қўяди. Гулбаданбегимнинг ҳикоясига кўра, 1529 йилда Кобулдан Аграга келаётган завжаси Мохимбегимни, отни эгарлашларини ҳам кутмай, пайда чиқиб шахсан ўзи кутиб олади.

нинг ҳам тарихий шарафини янада юксалтирди. Бобур Аграга келган ораси Хонзадабегим ва бошқа аёлларни ҳам муайян масофаларга пешвоз чиқиб худди шундай иззат-икром билан қарши олади.

Бобур ўғил-қизлари тарбиясига ҳам эътиборли эди. У қисқа умрининг қарийб қирқ йилини жангу жадалларда ўтказган, давлат бошқаруви, элу халқ ташвиши, ижодий фаолият билан қаттиқ банд бўлишига қарамайдан, вақт

# Фазал бўстони

Гаҳи соғин, не бўлди, зорларни,  
Унутмагил бурунги ёрларни.

Сени кўрмай, йирокдин зор бўлдим,  
Бирор ёд эт йирокдин зорларни.

Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,  
Киши гулдин айирмас хорларни.

Кўзунг беморимен, мендин юмуб кўз,  
Яна оғритмагил беморларни.

Санга бир йўл етар фикридадурмен,  
Унутма бир йўли афгорларни.

Санга кўнглумни олдурдум, жаҳонда  
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

Сиҳи қадларга, Бобур, ошқ ўлсанг,  
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.

**Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?  
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?**

**Кеттим мени хайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:  
Ул телбаи хайрон қани, эй ёр, не бўлди?**

**Юз кўрсатибон эл ичиди лутф этар эрдинг,  
Ул лутфи намоён қани, эй ёр, не бўлди?**

**Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг?**  
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиг!

**Гар замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,  
Кўрмадин ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиг!**

**Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума,  
Келмади жонимга ҳеч ором жондин яхшилиг.**

**Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,  
Эмди кўз тутмак не маъни ҳар ямондин яхшилиг?**

**Бори элга яхшилиг қилғилки, мундин яхши йўқ —  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг!**

**Яхшилиг аҳли жаҳонда истама Бобур киби,  
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг?!**

**Сенинг сари борди кўнгул истаб топаолмон,  
Сенинг сари боргон қани, эй ёр, не бўлди?**

**Жонимга даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,  
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?**

**Мундоқму эди аҳди, Бобурни унуттунг,  
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?**



**РУБОЙЛАР**

## Халқ сўзи Народное слово

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатда олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 723 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — Д. Содиқов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6